Мазкур тадқиқотда Фарғона вилояти Фарғона шаҳридаги 5-сонли мактабда 2023-2024 ва 2024-2025 ўқув йилларида таълим олган 14-18 ёшли юқори синф ўсмир қизларнинг таътил ойларида июн, июл ва август ойиларида овқатланиш тартибининг гигиеник тахлил материаллари келтирилган. Мактаб ўқувчиларнинг ёз мавсумидаги овқатланиш ҳолатининг натижаларининг ўртача кунлик истеъмол қилган аниқ маҳсулотларни ҳисоб варақасида қайд этилган. Ўқувчилар асосан уй шароитида кўпроқ бўлишига қарамасдан, уларнинг овқатланиш ҳолати ва олинган натижалар СанНваҚ 0007-2020 ва СанНваҚ 0017-2022 асосида баҳоланган ва кунлик рационда асосий озиқа моддалар ва энергетик қиймати «Озиқ-овқат маҳсулотларининг кимёвий таркиби» бўйича ҳисобланди. Мактаб ўқувчиларининг таътил давридаги кунлик овқатланиш тартиби белгиланган тартибидан кескин фарқ қилди ва нон маҳсулотлари физиологик меъёрдан назорат гуруҳда 13,4%га асосий гуруҳда 27,6%га, ун 6,0%-14,0%га, макаронлар 12,3-24,4% кўплиги, шакар, қахва, зиравор, томат ва ош тузининг истеъмол даражаси ҳам юқорилиги аниқланди. Таътил даврида жавдар нони, ёрмалар ва сабзовотларнинг камлиги аниқланди. Картошканинг истеъмол даражаси 55,3-56,3%ни, соф бодринг 74,7%-72,7%ни, соф помидор 88,3%-40,8%ни, соф карам 91,6%-75,6%ни ташкил қилди. Мевалардан олма, ўрик, гилос, шафтоли, олхўри ва олча ва бошқа турлари, шунингдек мол, қўй, қуён ва парранда гўшти, соф балиқ ва балиқ маҳсулотлари, сут маҳсулотларининг кам таъминланганлиги аниқланди. Йил иссиқ мавсуми ва таътил даврида ўсмир қизлар кун давомида Айс-tea, CoCa-Cola, Fanta, Pepsi, Морс ва бошқа рангли бўёқли ичимликларнинг истеъмоли назорат гуруҳда меъёрдан 3,1 мартага, асосий гуруҳда 3,87 мартага ортиқчалиги аниқланди. Бу борада профилактик ишларни зудлик билан кучайтириш зарур.

Калит сўзлар: темир танқислик камқонлик, татил даври, ўсмир-қизлар, кунлик рацион, соғлом ўқувчилар

НАСИРДИНОВ Мавлонжон
АХУНОВА Махфуза
СОБИРОВ Огабек
Ташкентского государственного медицинского университета

ОСОБЕННОСТИ ЕЖЕДНЕВНОГО ПИТАНИЯ ДЕВУШЕК-ПОДРОСТКОВ, СТРАДАЮЩИХ ЖЕЛЕЗОДЕФИЦИТНОЙ АНЕМИЕЙ, В ПЕРИОД ЛЕТНИХ КАНИКУЛ

РЕЗЮМЕ

В настоящем исследовании представлены материалы гигиенической оценки режима питания девушек-подростков 14–18 лет, обучавшихся в средней школе № 5 города Ферганы Ферганской области в 2023–2024 и 2024–2025 учебных годах, в период летних каникул (июнь, июль и август). Фактическое питание школьниц оценивали на основании регистрационных листов, в которых фиксировался среднесуточный объём потребления конкретных пищевых продуктов в летний период. Несмотря на то что учащиеся преимущественно находились в домашних условиях, их пищевой рацион был проанализирован в соответствии с требованиями СанПиН Республики Узбекистан СанНваҚ 0007-2020 и СанНваҚ 0017-2022, а содержание основных пищевых веществ и энергетическая ценность суточного рациона рассчитаны по справочнику «Химический состав пищевых продуктов».

Установлено, что режим питания школьниц в период летних каникул существенно отличался от рекомендуемых физиологических норм. Потребление хлебобулочных изделий превышало физиологические нормы на 13,4% в контрольной группе и на 27,6% - в основной группе, пшеничной муки – на 6,0% и 14,0%, макаронных изделий – на 12,3% и 24,4% соответственно. Выявлено также повышенное потребление сахара, кофе, специй, томатной продукции и поваренной соли.

Одновременно отмечен недостаточный уровень потребления ржаного хлеба, круп и овощей. Потребление картофеля составило 55,3–56,3% от физиологической нормы, свежих огурцов – 74,7–72,7%, свежих томатов – 88,3-40,8%, свежей капусты – 91,6-75,6%. Недостаточным было потребление яблок, абрикосов, черешни, персиков, слив, вишни и других фруктов, а также говядины, баранины, мяса кролика, мяса птицы, свежей рыбы, рыбной продукции и молочных продуктов.

В жаркий период года во время летних каникул девушки-подростки употребляли сладкие безалкогольные напитки (Ice Tea, Coca-Cola, Fanta, Pepsi, морс и другие окрашенные напитки) значительно чаще рекомендуемого уровня: в 3,1 раза выше нормы в контрольной группе и в 3,87 раза – в основной группе. Полученные результаты свидетельствуют о необходимости усиления профилактических мероприятий, направленных на формирование рационального питания подростков.

Ключевые слова: железодефицитная анемия, летние каникулы, девушки-подростки, суточный рацион, здоровые школьницы.

Муаммонинг долзарблиги.

Жаҳон ва миллий нутрициология соҳаси олдида аҳолининг ҳаёт сифатини яхшилаш, ижтимоий аҳамиятга эга бўлган алиментар боғлиқ касалликлар билан касалланиш ва улардан ўлим кўрсаткичларини камайтириш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Бунинг учун соғлиқни сақлаш амалиётига ушбу касалликларни эрта ташхислаш, мақсадли профилактика қилиш ва даволашнинг инновацион технологияларини жорий этиш, шунингдек, озиқ-овқат маҳсулотлари сифатини бошқариш тизимини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади [6].

Аҳоли овқатланиш ҳолатини таҳлил қилиш ва уни мақбуллаштириш йўлларини амалга ошириш мамлакатнинг илмий-технологик ривожланишини таъминловчи муҳим тиббий-ижтимоий ва давлат аҳамиятига молик вазифалардан биридир. Бу йўналишида барча давлатларда ўзининг стартегик қарор ва Фармонлари қабул қилинмоқда[3,4,5, 6].

Болалар ва ўсмирларнинг ўсиш ва ривожланиши ва гормониклиги таъминлаш уларнинг мутлиқ (фактик) овқатланиш ҳолати билан боғлиқдир. Мутлақ овқатланишни баҳолаш озиқ-овқатнинг кимёвий таркиби, нутриентлар истеъмоли ва унинг энергетик қийматига оид ўнлаб кўрсаткичлар билан ишлаш зарурати туфайли мураккаб ҳисобланади.

Алоҳида озиқ-овқат маҳсулотлари ва уларнинг турли комбинациялари истеъмоли таҳлил қилинганда эса баҳоланадиган кўрсаткичлар сони бир неча баробар ортади. Озиқ-овқат маҳсулотлари ва таомлар истеъмоли спектри озиқ моддалар истеъмолига нисбатан анча юқори гетерогенлик билан тавсифланади. Овқатланиш рациони сифатини баҳолашдаги қийинчиликларни бартараф этиш мақсадида «овқатланиш сифати индекслари» деб аталувчи баҳолаш воситалари, шунингдек уларнинг алоҳида гуруҳи сифатида «соғлом овқатланиш индекслари» (СОИ) ишлаб чиқилган.

Соғлом овқатланиш индекси (СОИ) илк бор АҚШда [18, 19], сўнгра, Австралияда ишлаб чиқилган бўлиб, маҳаллий аҳолининг овқатланиш хусусиятлари ҳамда миллий овқатланиш тавсияларини инобатга олган ҳолда такомиллаштирилган бўлса [13,20,24], Францияда, Хитойда ва бошқа мамлакатларда [14, 17,22, 23] ҳам ишлаб чиқилмоқда.

Соғлом овқатланиш индекси (СОИ)нинг 25 та модификацияси мавжудлиги ҳақида маълумотлар илмий нашрларда келтирилган [5, 21].

Соғлом овқатланиш индекслари (СОИ) «соғлом» овқатланишнинг миқдорий баҳосини ифодалайди ва турли номлар билан маълум бўлиб, жумладан, овқатланиш (рациони) сифати индекслари деб ҳам аталади (DQI, Diet quality index), СОИ (HEI, Healthy eating index).

Бугунги кундаги барча овқатланиш сифати индекслари нафақат овқатланишнинг етарли даражадаги ижобий ва рағбатлантириладиган жиҳатларини баҳолаш, балким сурункали юқумсиз касалликлар (СЮК) ривожланишига олиб келувчи салбий алиментар хавф омилларини ҳам акс эттириши қайт қилиган.

Овқатланиш сифати индексларининг аксарияти аҳоли учун мавжуд миллий ёки халқаро соғлом овқатланиш бўйича тавсиялар билан таққослаш асосида овқатланиш рационларини баҳолашга қартилган соғлом овқатланиш индекслари (СОИ) ҳисобланади.

Россия аҳолисининг ҳақиқий овқатланиши тўғрисидаги маълумотлар асосида биз аҳоли овқатланиш рационининг шартли ижобий ва салбий жиҳатларини акс эттирувчи универсал соғлом овқатланиш индекси (СОИ) ишлаб чиқилган ва синовдан ўтказилган [3,4,5].

СОИнинг валидизацияси бўйича тадқиқотлар ўтказилиб, унинг овқатланишдаги жинс ва ёшга оид фарқлари, шунингдек овқатланиш рациони модификацияларини акс эттиришдаги ишончлилиги ва ҳаққонийлиги баҳоланган [4].

Ишлаб чиқилган соғлом овқатланиш индексининг (СОИ) овқатланиш хусусиятларидаги ўзгаришларга сезгирлиги уни аҳолининг ижтимоий-демографик гуруҳларидаги овқатланиш тарзининг ўзига хос хусусиятларини баҳолашда маркер сифатида қўллаш имкониятини берган [3,4,5].

Мамлакатимизда аҳолининг турли қатламлари орасида соғлом турмуш тарзи ва соғлом овқатланишнинг издан чиқиши, мактаб ёшидаги ўқувчилар орасида кун тартибининг издан чиқиши, соғлом овқатланиш талабларига риоя қилмаслик, кунлик рационда ярим тайёр маҳсулотлар, фаст-футлар, ширинлик ва карбонсувларга бой, олий навли ун маҳсулотларининг кескин ортиқчалиги, рангли бўёқли ичимликлар, шўр, айрим худудларда аччиқ маҳсулотларнинг истеъмол даражасининг ортиши қатор алиментар боғлиқ касалликларнинг кескин ортиши қайт қилинган ва бу борада қатор илмий ишлар амалга оширилмоқда [2,10,11,12,15,16].

Турли таълим муассасларида таълим олаётган мактаб ўқувчиларнинг кунлик овқатланиш рационларидаги номутаносиблик юқори биологик қийматга эга оқсил (ҳайвон ва ўсимлик оқсиллари) ва ҳайвон ёғларнинг етишмаслиги, оддий карбонсувларнинг ортиқча истеъмоли ҳамда макро-, микро-ультраминерал ва сувда ва ёғда эрийдиган витаминлар етишмаслиги, ортиқча тана вазни ва семириш ривожланиши хавфини оширади[1,2,4,11,12]. Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда Фарғона вилоятида таълим олаётган юқори синф ўсмир-қизларининг кунлик рацион таркибини гигиеник таҳлил қилиш ва унинг натижасида юзага келадиган алиментар боғлиқ касалликларнинг сабаб-оқибатларни аниқлаштириш ва профилактика чораларини ишлаб чиқиш бугунги кундаги ҳал қилиниши лозим бўлган муҳим долзарб муаммолардан биридир.

Тадқиқотнинг мақсади. Фарғона вилояти Фарғона шаҳрида таълим олаётган юқори синф-ўсмир қизларнинг йилнинг иссиқ мавсумида амалдаги ҳақиқий овқатланиш ҳолатини гигиеник баҳолашдан иборат.

Тадқиқотнинг материал ва усуллари.

Тадқиқот ишлари назорат остига олинган 2023-2024 ва 2024-2025 ўқув йиллари давомида назорат остига олинган Фарғона вилоятининг Фарғона шаҳридаги 5 мактабда таҳсил олаётган 7-17 ёшли болалар ва ўсмирлардан (8-11 синфларда таълим олаётган) 2292 нафар ўқувчиларидан 1161 нафар қизлар орасида 14-18 ёшли ўсмир қизларнинг йилнинг иссиқ мавсумида (ёз фаслида) амалдаги овқатланиш ҳолатини гигиеник таҳлил қилинди.

Маълумот материаллари экспедиция шароитида йилга 4 марта қиш, баҳор, ёз ва куз ёки қиш-баҳор ва ёз-куз мавсумларида амалга оширилган бўлиб, ушбу тадқиқотда йилнинг иссиқ мавсумида ёз мавсумида (июн, июл ва август ойларида) дам олиш таътил давомида ўртача кунлик кўрсаткичлар 14 кун давомида олинган бўлиб, маълумотларнинг ишончлилиги

ўқувчиларнинг асосаан уй шароитида кўпроқ бўлиши бўлса, уларнинг овқатланиш ҳолатининг издан чиққанлиги, кун тартибининг издан чиқишига олиб келган ва ўқувчилар истеъмол қилган аниқ маҳсулотларни ҳисоб варақасида қайд этишга шароит яратилганлиги ва олинган натижалар СанНваҚ 0007-2020 «Ўзбекистон Республикаси аҳолисини ёшга, жинсга ва касбий фаолияти гуруҳлари учун соғлом овқатланишни таъминлашга қаратилган ўртача кунлик рационал овқатланиш нормалари»[7] ҳамда мактабдардаги овқатланиш шароити СанНваҚ 0017-2022 «Умумий ўрта, ўрта махсус, профессионал таълим муассасаларида ўқувчилар овқатланишини ташкил этишнинг санитария қоида, норма ва гигиена нормативлари»[8] асосида баҳоланган.

Кунлик рационда асосий озиқа моддалар ва энергетик қиймати «Озиқ-овқат маҳсулотларининг кимёвий таркиби»[2] бўйича ҳисобланган.

Тадқиқот натижаларини статистик қайта ишлашда «Statistica for Windows 7,0» персонал компьютерининг амалий дастур пакетидан фойдаланилди.

Олинган натижаларнинг таҳлили.

Назорат остига олинган 14-18 ёшгачагача бўлган (7-11 синфларда таълим олаётган ўсмир қизларнинг) 2023-2024; 2024-2025 ўқув йилларининг ёз фаслида (июн, июл ва август) таътил давомида уй шароитида дам олиш вақтида овқатланиш ҳолатини гигиеник таҳлил материалларининг натижалари шуни кўрсатдики, асосий (соғлом ўқувчилар), назорат (темир танқислик камқонлик касаллигининг) гуруҳига киритилган Фарғона вилоятида таьлим олаётган ўсмир қизларнинг овқатланиш ҳолатини сон ва сифат кўрсаткичлар таҳлилини материаллари тақдим этишни жоиз деб ҳисобладик.

Ушбу ўсмир қизларнинг қиш-баҳор мавсумларидаги натижалари нашр қилинган ва кескин фарқлар асосан олий навли нон, ун, макарон ва қандолат маҳсулотлари, шакарли қахва, туз, тузламалар, аччиқ қалампир, рангли ичимликларнинг ортиқчалиги, сут, гўшт, балиқ маҳсулотларнинг камлигининг таҳлил материаллари тақдим қилинган[11,12].

Йилнинг баҳор мавсумидаги кунлик рацион таркибида шакарли қаҳва, рангли ичимликлар, тузламалар, томат, маргариннинг миқдори кескин ортиқчалиги, маргариннинг баҳор фаслидаги истеъмоли соғлом ўсмир қизларда 3,96% мартага, темир танқислик камқонлик касаллиги ташхисланган қизларда 4,18% мартага ортиқчалиги, акчинча мол, қўй, парранда ва қуён гўштининг истеъмолининг кескин камлиги, рационда қуён гўшти 47%ни ташкил қилганлиги аниқланган[12].

Йилнинг иссиқ мавсумида уй шароитида мактаб ўқувчиларини овқатланиш тартиби бузилганлигини сўровнома асосида тасдиқланиб, ўқувчиларнинг кун давомида қўшимча ўқиш, уяли алоқа воситаларидан кескин ортиқча фойдаланиши, рационда фаст-футлар, ранг бўёқли ичимликларнинг ортиқчалиги аниқлниб, энергетик ичимликлар истеъмоли умумий ўқувчи-қизларнинг 21,9% ни ташкил қилди (1-жадвалга қаранг).

Бу эса уларнинг нонушта вақтини 2-3 соатга кечиктирилганлигини, ўз ўрнида иккинчи нонуштанинг қисқариши, тушлик вақтини ўзгариши, толма чой вақтини узайтирилиши ва таомнома ва таомларнинг таркибини ўзгаришига олиб келиб, толма чойда қандолат маҳсулотлари, оддий булочкалар, рангли ва энергетик ичимликлар, ярим тайёр колбаса ва сосиска маҳсулотларининг истеъмоли асосий гуруҳда 41,7%-42,7%ни, назорат гуруҳида 51,7%-62,3%ни ташкил қилди, ўсмир қизларнинг кунлик рационида Sofia қандолат маҳсулотларининг ўрни кескин ортичалигини таъкидлаш жоиздир.

Янги узуилган мевалар ва сабзотларнинг миқдори кескин камлиги ва уларнинг истеъмоли кечқурун амалга оширилганлиги аниқланди.

Меваларнинг турлари кўп бўлишига қарамасдан рационда олмалар ташкил қилганлиги, ўрикнинг истеъмоли турли йилларда турличалаги, гилоснинг кескин камлиги, шафтолининг куздаги турлари ёзгидан фарқлилиги, олхўри ва олча истеъмолининг компот билан таъминланглиги, рационда цитрусларнинг меъёрдан камлиги нисбатан солиштирилганда ортиқчалигини таъкидлаш жоиздир.

Таъкидлаш жоизки, ўсмир қизларнинг кечки овқатланиш ҳолати кечки 20:00-22:00 гача узайтирилганлиги аниқланди.

Кечки овқатланиш рацион таркибида ортиқча макарон, гуруч, хамрли махсулотлар (шавла, қовурилган макарон, мошли овқатлар, хоним, хамрли ўрама, қовурилган картошка, картошкали сомсалар, сомсага оид маҳаллий маҳсулотлар билан биргаликда, ёз мавсуми бўлишига қарамасдан картошкали манти ва товуқли таомлар)дан иборатлиги аниқланди.

Ёрмалардан гречка, перловка, нўхатлар, сабзавотли димламалар камлиги аниқланди.

Ўсмир қизларнинг кунлик рациони таркибида дуккаклилар (мош, ловия, нўхат)нинг истеъмоли 51,7%-60,7%га камлиги аниқланди.

Кунлик рационда ёрмаларнинг истеъмоли 50,5%-58,0% гача камлиги ва уларнинг таркибида асосан ширгуручдан иборатлиги аниқланди ва таркибида шакрнинг кескин ортиқчалиги аниқланди.

Кунлик рацион таркибида жавдар нонининг истеъмоли кескин камлиги В гуруҳ витаминларининг етишмаслигига олиб келиши билан биргаликда, организмда қатор ўзгаришларга асос бўлади ва таъминланганлик даражаси 10,4%-27,8% ни ташкил қилган.

Бу ҳолат кунлик рацион таркибининг олий навли ун махсулотларидан иборатлиги ва бу эса камқонлик касаллигини ривожланишига шароит яратганлигига асос бўлади ва олий навли нонннинг истеъмол даражаси бошқа фаслларга нисбатан қисман кам бўлсада 127,6%-113,4% ни, ун 106,0-114,0% га, макаронлар 112,3-124,4%ни ташкил қилганлиги аниқланди.

Ёз мавсуми иссиқ бўлишига қарамасдан кунлик рацион таркиби физиологик ўртача кунлик меъёрларга мос келмаслиги, бироқ, соф бодринг таъминоти 74,7%-72,7% ни, соф помидор миқдори 88,3%-40,8% ни, соф карамнинг истеъмоли 91,6%-75,6%ни ташкил қилди.

Йилнинг иссиқ мавсумида тузламалар ҳам рационда кам бўлишига қарамасдан мавжудлиги аниқланди.

Қуритилган мевалар тўғрисида фикр юритилганда, қуритилган меваларнинг компотда ишлатилишига эътибор қаратилади, бизнинг тадқиқотимизда ёз мавсумида истеъмолга яроқли данакларнинг кескин камлиги ва асосий гуруҳда 21,0%ни, назорат гуруҳида 32,5%ни ташкил қилганлиги аниқланди.

Гўшт маҳсулотларнинг 4 та тури (мол, қўй, қуён ва парранда гўшти), соф балиқ ва балиқ маҳсулотлари, сут ва сут маҳсулотларининг истеъмоли йилнинг бошқа фаслларига нисбатан кескин кам таъминланган. Қатиқнинг истеъмол даражаси 17,4-22,4%ни ташкил қилди.

Сабзовотларнинг турлари ва меъёрий даражаси бошқа фаслларга нисбатан қисман кам, бироқ пиёзнинг таъминланганлик даражаси 137,3%ни ташкил қилган бўлса, картошканинг истеъмол даражаси 55,3-56,3%ни ташкил қилди.

Тухумнинг истеъмол даражаси бошқа фаслларга нисбатан камроқ бўлишига қарамасдан асосий гуруҳда 110,0%ни, назорат гуруҳида 100%га таъминланганлиги аниқланди.

Иссиқ мавсум бўлиши ўқувчилар орасида соғлом овқатланиш борасида тарғибот ишлари олиб борилишига қармасдан шакар, қахва, томат ва зираворларнинг ортиқчалиги аниқланди.

Сувининг истеъмол даражаси ўқувчилар орасида ёз мавсумида меъёрдан ортиқа эмаслиги кунлик меъёр 2-2,5 литр, бироқ, Айс-Тea, CoCa-Cola, Fanta, Pepsi ва Морс, мактабларда олдида, кўчлар юзасида савдо растларида сотиладиган рангли бўёқли ичимликларнинг истеъмол даражасининг кескин ортиқчалиги назорат гуруҳда меъёрдан 3,1 мартага ва асосий гуруҳда 3,87 мартага ортиқчалиги аниқланди.

Таъкидлаш жоизки, йил иссиқ мавсумида мактаб ўқувчиларнинг кунлик рационидаги кескин фарқлар уларнинг иссиқ мавсумида ишлаш қобилиятининг пасайиши ва овқатдан захарланиш ҳолатларини қайт қилишга шароит яратилганлиги, рацион таркибида карбонсувга бой маҳсулотларининг ортиқчалиги аниқланди.

1-жадвал

Фарғона вилоятида йилнинг ёз мавсумида 15-18 ёшли соғлом ва темир танқислик камқонлик касаллиги ташхисланган ўсмир-қизларнингнинг озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол даржаси

№	Маҳсулот номи	Ф/м	Соғлом ўсмирлар			Бемор ўсмирлар		
			Истеъмол миқдори, абс.	Истеъмол миқдори, %	Меъёрга нисбат,%	Истеъмол миқдори, абс.	Истеъмол миқдори, %	Меъёрга нисбат,%
1.	Дуккаклилар	15	5,7±0,29***	38,0	−62,0	5,9±0,30***	39,3	−60,7
2.	Буғдой уни	20	21,2±0,85	106,0	+6,0	22,8±0,91**	114,0	+14,0
3.	Гуруч	40	32,2±1,29***	80,5	−19,5	35,2±1,41**	88,0	−12,0
4.	Ёрмалар	20	8,6±0,43***	43,0	−57,0	8,4±0,42***	42,0	−58,0
5.	Буғдой нон	150	170,8±6,83**	113,9	+13,9	191,5±7,66***^	127,7	+27,7
6.	Жавдар нон	80	18,3±0,92***	22,9	−77,1	8,3±0,42***^^^	10,4	−89,6
7.	Макаронлар	30	33,6±1,34*	112,0	+12,0	37,3±1,49***^	124,3	+24,3
8.	Картошка	200	112,5±4,50***	56,3	−43,8	110,5±4,42***	55,3	−44,8
9.	Карам	50	45,8±1,83*	91,6	−8,4	37,8±1,51***^^	75,6	−24,4
10.	Бодринг	45	33,6±1,34***	74,7	−25,3	32,6±1,30***	72,4	−27,6
11.	Памидор	40	35,3±1,41**	88,3	−11,8	16,3±0,82***^^^	40,8	−59,3
12.	Лавлаги	30	17,5±0,88***	58,3	−41,7	7,5±0,38***^^^	25,0	−75,0
13.	Сабзи	45	36,4±1,46***	80,9	−19,1	38,4±1,54***	85,3	−14,7
14.	Пиёз	30	41,2±1,65***	137,3	+37,3	41,2±1,65***	137,3	+37,3
15.	Бошқа сабзавотлар	55	55,7±2,23	101,3	+1,3	37,7±1,51***^^^	68,5	−31,5
16.	Полиз маҳсулотлари	50	35,3±1,41***	70,6	−29,4	15,3±0,77***^^^	30,6	−69,4
17.	Қовоқ	30	2,9±0,15***	9,7	−90,3	24,9±1,00***^^^	83,0	−17,0
18.	Мевалар	250	188,6±7,54***	75,4	−24,6	180,6±7,22***	72,2	−27,8
19.	Қуритилган	20	6,5±0,33***	32,5	−67,5	4,2±0,21***^^^	21,0	−79,0
20.	Узум	40	25,8±1,03***	64,5	−35,5	5,8±0,29***^^^	14,5	−85,5
21.	Цитрус	15	9,7±0,49***	64,7	−35,3	6,7±0,34***^^^	44,7	−55,3
22.	Мол гўшти	50	21,3±1,07***	42,6	−57,4	14,23±0,71***^^^	28,5	−71,5
23.	Қўй гўшти	30	9,4±0,47***	31,3	−68,7	9,4±0,47***	31,3	−68,7
24.	Қуён гўшти	20	5,2±0,26***	26,0	−74,0	7,2±0,36***^^^	36,0	−64,0
25.	Парранда	60	26,8±1,34***	44,7	−55,3	22,8±1,14***^	38,0	−62,0
26.	Балиқ	30	10,6±0,53***	35,3	−64,7	6,6±0,33***^^^	22,0	−78,0
27.	Балиқ маҳсулотлари	25	7,4±0,37***	29,6	−70,4	5,4±0,27***^^^	21,6	−78,4
28.	Сут	400	132,7±5,31***	33,2	−66,8	123,7±4,95***	30,9	−69,1
29.	Сметана, каймоқ	15	5,6±0,28***	37,3	−62,7	4,6±0,23***^^	30,7	−69,3
30.	Сариёғ	25	5,9±0,30***	23,6	−76,4	5,9±0,30***	23,6	−76,4
31.	Творог	30	5,8±0,29***	19,3	−80,7	6,1±0,31***	20,3	−79,7
32.	Пишлоқ	20	4,2±0,21***	21,0	−79,0	5,2±0,26***^^	26,0	−74,0
33.	Тухум (дона)	1	0,5±0,03***	50,0	−50,0	1,1±0,06^	110,0	+10,0
34.	Шакар	30	25,6±1,02***	85,3	−14,7	28,6±1,14	95,3	−4,7
35.	Асал	10	2,4±0,12***	24,0	−76,0	1,2±0,06***^^^	12,0	−88,0
36.	Маргарин	5	13,4±0,54***	268,0	+168,0	16,4±0,66***^^^	328,0	+228,0
37.	Ўсимлик мойи	25	11,4±0,57***	45,6	−54,4	13,8±0,55***^^	55,2	−44,8
38.	Йодланган туз	5	6,8±0,27***	136,0	+36,0	7,5±0,30***	150,0	+50,0
39.	Чой	2	0,9±0,05***	45,0	−55,0	0,8±0,04***	40,0	−60,0
40.	Кофе	2	3,1±0,16***	155,0	+55,0	2,4±0,12***^^^	120,0	+20,0
41.	Томат паста	3	5,1±0,20***	170,0	+70,0	5,78±0,23***^	192,7	+92,7
42.	Зираворлар	2	1,1±0,06***	55,0	−45,0	1,36±0,07***^^	68,0	−32,0

43.	Қандолат маҳсулотлари	10	35,7±1,43***	357,0	+257,0	38,7±1,55***	387,0	+287,0
44.	Қатиқ	200	44,7±2,24***	22,4	−77,7	34,7±1,74***^^^	17,4	−82,7
45.	Таббий шарбатлар	200	23,7±1,19***	11,9	−88,2	13,7±0,69***^^^	6,9	−93,2
46.	Рангли ичимликлар	200	615,7±24,63***	307,9	+207,9	631,7±25,27***	315,9	+215,9
47.	Тузланган карам	50	15,8±0,79***	31,6	−68,4	25,8±1,03***^^^	51,6	−48,4
48.	Тузланган бодиринг	45	13,6±0,68***	30,2	−69,8	23,16±0,93***^^^	51,5	−48,5
49.	Тузланган помидор	40	15,3±0,77***	38,3	−61,8	12,3±0,62***^^	30,8	−69,3
50.	Колбаса	30	15,5±0,78***	51,7	−48,3	12,5±0,63***^^	41,7	−58,3
51.	Сосиска	30	18,7±0,94***	62,3	−37,7	12,7±0,64***^^^	42,3	−57,7

Изоҳ: *-физиологик меъёрга нисбатан фарқнинг статистик аҳамиятлилиги: *P <0,05; **P <0,01; ***P <0,001. ^-соғлом ўсмирлар кўрсаткичларига нисбатан фарқнинг статистик аҳамиятлилиги: ^-P <0,05; ^^P <0,01; ^^^-P <0,001.

Хулосалар

1. Мактаб ўқувчиларини дам олиш мавсумида таътил давридаги кунлик овқатланиш тартиби белгиланган тартибидан кескин фарқ қилди. Кунлик рацион ўртача кунлик меъёрий кўрсаткичларга мос келмайди, бу ўз ўрнида кейинги ўқув йилида уларнинг даврий чукур физиологик толиқиши ва ўзлаштиришнинг пасайиши, касалланиш даражасининг ортишига олиб келади.

2. Юқори синф ўсмир қизларининг кунлик рациони таркибида олий навли ноннинг истеъмол даражаси бошқа фаслларга нисбатан қисман кам бўлсада, физиологик меъёрдан назорат гуруҳда 13,4%га асосий гуруҳда 27,6%га, уннинг истеъмоли назорат гуруҳида 6,0%га асосий гуруҳда 14,0% га, макаронларнинг истеъмол даражаси аналогик тартибида 12,3-24,4% кўплиги аниқланди. Шу билан биргаликда шакар, қахва, зираворлар, томат ва ош тузининг истеъмол даражаси юқори.

3. Ёз мавсумида сабзовотларнинг турлари ва меъёрий даражаси бошқа фаслларга нисбатан қисман камлиги аниқлансада, картошканинг истеъмол даражаси 55,3-56,3%ни, соф бодринг истеъмоли меъёрга нисбатан назорат ва асосий гуруҳда 74,7%-72,7%ни, соф помидор миқдори 88,3%-40,8%ни, соф карамнинг истеъмоли 91,6%-75,6%ни ташкил қилди. Пиёзнинг таъминланганлик даражаси эса 37,3%га юқорилиги аниқланди.

4. Меваларнинг турлари кўп бўлишига қарамасдан рационни олма қилди, ўрик, гилос, шафтолини меъёрдан камлиги, олхўри ва олчанинг компот билан таъминланганлиги аниқланди.

5. Гўшт маҳсулотларнинг 4 та тури (мол, қўй, қуён ва парранда гўшти), соф балиқ ва балиқ маҳсулотлари, сут ва сут маҳсулотларининг истеъмоли йилнинг бошқа фаслларига нисбатан кескин кам таъминланган бўлсада, қатиқнинг истеъмол даражаси 17,4-22,4%ни ташкил қилди.

6. Тоза ичимлик сувининг истеъмол даражаси меъёрдан ортиқча бўлмасда, бироқ, Айс-Tea, CoCa-Cola, Fanta, Pepsi ва Морс ва бошқа рангли бўёқли ичимликларнинг истеъмоли назорат гуруҳда меъёрдан 3,1 мартага, асосий гуруҳда 3,87 мартага ортиқчалиги аниқланди.

REFERENCES/СНОСКИ/IQTIBOSLAR:

1. Джуманазарова А.Ж., Эрматов Н.Ж. Сравнительная оценка индекса массы тела у детей и подростков в возрасте 11–17 лет с метаболическим синдромом в городе Нукусе и Кунградском районе Республики Каракалпакстан // Вестник Ассоциации пульмонологов Центральной Азии. – 2025. – Т. 8, № 3. – С. 292–295.
2. Дусчанов Б.О. Озиқ-овқат маҳсулотларининг кимёвий таркиби.-Тошкент.-2002.

3. Мартинчик А.Н., Батурин А.К., Михайлов Н.А., Кешабянц Э.Э., Камбаров А.О. Разработка и оценка достоверности базового индекса здорового питания населения России // Вопросы питания. 2019. Т. 88, № 6. С. 34-44. DOI:https: //doi.org/10.24411/0042-8833-2019-10062
4. Мартинчик А.Н., Михайлов Н.А., Кешабянц Э.Э., Кудрявцева К.В. Оценка информативности и достоверности индекса здорового питания для характеристики структуры питания и пищевого поведения // Вопросы питания. 2021. Т. 90, № 5. С. 77-86. DOI: https://doi.org/10.33029/0042-8833-2021-90-5-77-86.
5. Мартинчик А.Н., Батурин А.К., Кудрявцева К.В., Мартинчик Э.А., Никитюк Д.Б, Тутельян В.А. Индекс здорового питания в оценке региональных особенностей питания населения Российской Федерации // Вопросы питания. 2026. Т. 95, № 2. С.2637. DOI: https://doi.org/10.33029/0042-8833-2026-95-2-26-37
6. Нутрициология, диетология, биотехнология, гигиена: единение и инновации / под ред. В.А. Тутельяна. Москва : ДеЛи, 2020. 370 с. ISBN 978-5-6045642-9-5
7. СанНваҚ 0007-20 “Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг ёши, жинси ва касбий фаолияти гуруҳлари бўйича соғлом овқатланишни таъминлашга қаратилган ўртача кунлик рационал овқатланиш нормалари”. – Тошкент, 2020.
8. СанНваҚ 0017-22. Умумий ўрта, ўрта махсус ва профессионал таълим муассасаларида ўқувчилар овқатланишини ташкил этишнинг санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативлари. – Тошкент, 2022.
9. Шайхова Г.И., Эрматов Н.Ж. Болалар ва ўсмирлар гигиенаси: дарслик. – Тошкент, 2024.
10. Эрматов Н.Ж. Питание детей и подростков в образовательных учреждениях на современном этапе. –С.15.
11. Эрматов, Н. Ж., Насирдинов, М.З., Сагдуллаев, И.И., Джуманазарова А. Ж., & Ахунова М. А. (2026). Мактаб ёшидаги ўсмирларнинг қиш фаслида кунлик овқатланиш ҳолатини гигиеник таҳлили. Журнал гуманитарных и естественных наук, (35), 240-251.
12. Эрматов Н.Ж., Насирдинов М.З., Джуманазарова А.Ж. Катта мактаб ёшидаги ўсмир қизларнинг йилнинг баҳор фаслида овқатланиш ҳолатини гигиеник таҳлили//Тиббиёт асослари.–2026.-№1(13).–240–248 саҳифлар
13. Collins C.E., Young A.F., Hodge A. Diet quality is associated with higher nutrient intake and self-rated health in mid-aged women // J. Am. Coll. Nutr. 2008. Vol. 27. P. 146-157. DOI: DOI: https://doi.org/10.1080/07315724.2008.10719686
14. Drake I., Gullberg B., Sonestedt E., Wallstrom P., Persson M., Hlebowicz J. et al. Scoring models of a diet quality index and the predictive capability of mortality in a population-based cohort of Swedish men and women // Public Health Nutr. 2013.Vol.16, N3. P.468-478. DOI: https: //doi.org/ 10.1017/ S1368980012002789
15. Ermatov N.J., Nasirdinov M.Z.Treatment procedures for anemia in experimental animals with local vegetable protein products // Central Asian Journal of Medicine. – 2022. – No. 2. – P.72-79
16. Ermatov N.J., Nasirdinov M.Z., Maderimov M. Hygienic analysis of the specific features of the prevalence of non-communicable diseases among rural and urban populations // Central Asian Journal of Medicine. – 2026. – No. 4. – P. 265–272
17. Kaluza J., Hakansson N., Brzozowska A., Wolk A. Diet quality and mortality: a population-based prospective study of men // Eur. J. Clin. Nutr. 2009. Vol. 63. P. 451-457. DOI: https://doi.org/10.1038/sj.ejcn.1602968
18. Kant A.K., Schatzkin A., Graubard B.I., Schairer C. A prospective study of diet quality and mortality in women // JAMA. 2000. Vol. 283. P. 2109-2115. DOI: https://doi.org/10.1001/jama.283.16.2109
19. Kennedy E.T., Ohls J., Carlson S. The Healthy Eating Index: design and applications //J.Am.Diet. Assoc. 1995. Vol. 95. P. 1103-1108. DOI:https://doi.org/10.1016/S0002-8223(95)00300-2

20. McNaughton S.A., Ball K., Crawford D., Mishra G.D. An index of diet and eating patterns is a valid measure of diet quality in an Australian population//J.Nutr.2008.Vol.138.P.86-93. OI:https://doi.org/10.1093/jn/138.1.86,
21. Santana C.A., Dias-Santos J., Santana-Silva C., de Sousa Rocha V., Freire A.R.S., Pires L.V. Dietary quality analysis methods for the type 2 diabetes mellitus population: a scoping review // J. Hum. Nutr. Diet. 2025. Vol. 38, N 2. Article ID e70050. DOI: https://doi.org/10.1111/jhn.70050]
22. Rizaev J. A., Kuliev O. A. Risk factors of anemia in children and prognosing of it // Электронный инновационный вестник. – 2018. – С. 62–65.
23. Azamatovich S. R., Alimdzhanovich R. Z. The functional state of platelets in children with congenital cleft palate with chronic foci of infection in the nasopharynx and lungs // International Scientific Review. – 2022. – P. 32–35.
24. Abduvakilov J., Rizaev J. Characteristic features of hemostasis system indicators in patients with inflammatory periodontal diseases associated with metabolic syndrome // Journal of Advanced Medical and Dental Sciences Research. – 2019. – Vol. 7, No. 4. – P. 13–15.
25. Thiele S., Mensink G.B., Beitz R. Determinants of diet quality // Public Health Nutr. 2004. Vol. 7. P. 29-37. DOI: https://doi.org/10.1079/phn2003516
26. Verger E.O., Mariotti F., Holmes B.A., Paineau D., Huneau J.F. Evaluation of a diet quality index based on the probability of adequate nutrient intake (PAN Diet) using national French and US dietary surveys // PLoS One. 2012. Vol. 7, N 8. Article ID e42155. DOI: https://doi.org/10.1371/journal.pone.0042155
27. Zarrin R., Ibiebele T.I., Marks G.C. Development and validity assessment of a diet quality index for Australians // Asia Pac. J. Clin. Nutr. 2013. Vol. 22, N 2. P. 177-187. DOI: https://doi.org/10.6133/APJCN.2013.22.15

ISSN 2181-9300

DOI Journal 10.26739/2181-9300

БИОМЕДИЦИНА ВА АМАЛИЁТ ЖУРНАЛИ
ЖУРНАЛ БИОМЕДИЦИНЫ И ПРАКТИКИ
JOURNAL OF BIOMEDICINE AND PRACTICE

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: http://www.tadqiqot.uz/; E-mail: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: http://www.tadqiqot.uz/; E-mail: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000